


Баҳоси 2 тийин.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЛОЙИХАСИ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОВ ЕР ҚАДРИ

Турсун МАДИЕРОВ,
колхоз партия комитетининг секретари



Хозирда ўзининг беш йилликда алмашиб экинчи тўла жорий этиш учун сабот билан иш олиб борилади. Ўтган йили барча майдонларда ўн далали алмашиб экинчи ниҳосига етказдик. Бу соҳадagi муваффақиятлар учун колхозимиз республика кўмаги Қизил байроғи билан тақдирланди. Экин майдонларимиз тошлоқ ва қумлоқ бўлганлиги туфайли ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳам катта роль ўйнайди. Колхозимизда ҳар йили ўртача 600 гектар ер қалтирилади ва жорий текисланади. Бунинг учун махсус мелiorатив трояди ташкил этганимиз. Ойроғида 15 та бульдозер, скрейпер, грейдер ажратиб берилган.

«Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси ҳузуридаги машина-мелiorатив трояди қуввати хўжалиқларнинг ерларини қалтириш ва жорий текислашга эҳтиёжларини қондиришга етарли бўлмаганлиги сабабли колхозимиз ўзини аниқлашга мажбур бўлди. Улар қанов ҳосилдорлигини 230 центнерга етказди. Қайта ишлаш корхоналарига 16 минг тоннадан ортиқ қимматли хом ашё етказиб берилди. Шолзорларимиз ҳам ҳар гектаридан 73 центнердан ҳосил йиғиштириб олди.

Аммо экин майдонларимизни гоёт унумдор деб бўлмайди. Колхозимизнинг 2280 гектар сугориладиган майдонидан 1300 гектари тошлонликлардан иборат. Бошқа даладаримиз ҳам Чирчиқ дарёсининг чап соҳилига жойлашганлиги туфайли асосан қумлоқдир. Бунинг устига экин майдонларимизда сизот суварига юза жойлашган. Шунга қарамай деҳқонларимиз ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта, қанов поёси, шол ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бўйича белгилаган планларни муттасил ошириб бажараятирлар.

Парток секретари бу ҳақда гапирар экан 1978 ва 1979 йилларини эсладим. Маълумки, бу йиллар пахтакорлар учун катта синов даври бўлган эди. Улар табиат инжиқликларини фидойиликларини, ушшоқликларини, юксак маҳоратларини билан енгиб, планларини асосан, мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар. Мўл ҳосил етиштиришда деҳқонларнинг ери қадрларини, аниқсиз катта ҳақимиятга эга бўлди.

Замин доимо унумдор бўлиши учун деҳқон унга меҳр қўйиши керак. Кол-

ТЕХНИКА САМАРАДОРЛИгини ОШИРАЙЛИК

Рустам АБДУРАЗЗОВ,
1-бригада механизатори



Мен ўн бир йилдан бери механизаторлик қилиман. Яқин йилларда ҳам пахта йиғим-терими икки йилгача ўн қўлини кетар эди. Терим мўддатининг кескин қисқартирилиши — техника шароитидир. Бу йил хўжалигимизда 4150 тонна, яъни ҳосилнинг 92 проценти машиналарда териб олинди. 30 та пахта терим машинасининг ҳар бирининг мавсумиди ҳисобини 140 тоннага ташкил этди.

Шу беш йилликда мен турт қаторли «Эвекс» пахта терим машинасини бошқара бошладим. Бу йилги мавсумда юксак унумли агрегатли бункеридан хирмонга 220 тонна «оқ олин» тўқидим. Умуман, ўзининг беш йиллик даврида партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиғи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида қўрсатган

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

КОМИТЕТИ ЛОЙИХАСИ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИ МУҲОКАМАСИДА

БЕШ БАХТЛИ ЙИЛ. Охунбобовлар қалб тўла ифтихор билан ўзининг беш йилликни шундай таърифлаётдилар. Ҳақиқатан ҳам бу давр колхоз ишлаб чиқаришининг беҳиш соҳаларини юксалтириш, экомикани мустаҳкамлаш, қишлоқ моҳиратларини турмуш фаровонлигини оширишда катта муваффақиятлар қилишга бўлди.

Хўжалик меҳнатчилари ўзининг беш йилликда давлат қабул пунктларига 23 минг 183 тонна пахта, 50 минг 472 тонна қанов поёси, 5837 тонна шол, 204 тонна гўшт, 2720 тонна сут ва бошқа турдаги деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериб, белгилаган план топшириқларини анча ошириб адо этдилар.

Фидокорона меҳнат самараси колхозчиларнинг даромадида ёрқин ифодасини топапти. Ўзининг беш йилликда колхознинг пул даромади 24 миллион 385 минг сўмни ташкил этди. Бу тўққизинчи беш йилликдаги қараганда 10 миллион 380 минг сўм кўпдир. Колхоз экомиканасининг мустаҳкамлаш бўлими ва маданий-маиший фондларга кўпроқ маблағ ажратиб, кенг кўламли ободончилик ишларини олиб бориш ишларини бериб.

Колхоз аъзоларининг шахсий даромадлари ҳам муттасил

ошиб борапти. Ҳозир ҳар бир колхозчининг ойлик иш ҳақи ўртача 230 сўмни ташкил этапти. Беш йиллик мобайнида колхозчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ 20 процентдан кўпроқ ортиди.

Бу залворли рақамлар хўжалик аъзоларининг беш йиллик бахтли йиллар деб бежиз айтилаётганлигини далолат беради. Лекин улар эришилган натижалар чегара бўла олмаслигини аниқ билишди. Яқинда КОЛХОЗДА «СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАШТИРИШНИНГ 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ Йўналишлари» тўғрисида КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАГАН ИЙГИЛИШДА ҳам ўн биринчи беш йиллик қишлоқ хўжалиғи барча тармоқларини ривожлантириш, экомикани ва маданиятни юксалтиришда янада катта босқич бўлиши алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Колхозчилар тараққиётнинг янги ёрқин уфқларини забт этиш учун қал қилиниши лозим бўлган муаммолар, асосий йўналишлар лойиҳаси тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бу ҳақида шу ҳақда ҳикоя қилинади.

Йилхисага «Сугориладиган майдонларда озунча экинларини аралаштириб ва тақдор экинга эътибос қўйиш» деган қўшимча киритиш мақсадида мувофиқдир. Бу еш-ҳашак етиштиришни қўлайлаштириш жуда катта резервдир.

Шу кунларда фермада коллективни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарори асосида 1980—1981 йиллар қиш даврида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни қўлайлаштириш учун социалистик мусобақани кенг аж олдирилган. Виз 1981 йил биринчи квартал планларини КПСС XXVI съезди очила-

са қувонарли ҳолдир. Ҳалол меҳнат қилаётган илгор колхозчиларимиз йилгача 4 минг сўмдан кўпроқ даромад қилмоқдалар. Жумладан, тажрибали сувчимиз Нишонқўча Муродов ўзининг беш йилликда 21 минг 250 сўм иш ҳақи олди. Унинг бу йилги даромади 5 минг 96 сўмга тенг бўлади. Меҳанизаторларимиз, чорводорларимиз ҳам ана шундай мўл даромад қилаётдилар.

«Меҳнатдан келса бойлик» турмуш бўлар чиройлик, деганларидек хўжалигимиз аъзолари бахтиёр ҳаёт наҳдасини суришляпти. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ортиб бораётганлиги ҳам табиийдир. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида қишлоқ жойларига уй-жой бинолари қуриш имкониятлари кенгайтирилсин, деб



даланиладиган техника воситалари ремонтини қилиш таъминоти бўлади. Замонавий ремонт устандаларини қалтириш сабабли механизаторларнинг қиш даврида оқиб қавола ишлашлари. Бу ремонт сифатига салбий таъсир қўрсатмай қолмайди. Ҳолбуки, ремонт ишларини қўз ўрталаридан бошлаб юбориш мумкин. Ҳамма гап эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигидир. Умуман олганда, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси оморларида эҳтиёт қисмлар кўп. Лекин уларнинг қўйиллиги ҳам ишдан чиқадиган қисмлардир. Бу эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни яхшилашнинг янги йўлга қўйилганлигини қўрсатиб турляпти.

Меҳанизаторларимиз партиянинг янги беш йилликда қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини меҳанизациялаш даражасини ошириш тўғрисидаги қўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда техника самарадорлигини оширишди.

лишлар лойиҳасида оқсилга бой бўлган мўҳат, беда, соя, рапс ва бошқа экинлар майдонларини кенгайтириш алоҳида таъкидланганлиги диққатга сазовордир. Хўжалиқнинг шароитида ҳам бу тўғрили озуна экинлари етиштириш имкониятлари бор.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БАРЧА ТАРМОҚЛАРНИНГ ДИНАМИК РИВОЖЛАНИШИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШИШИГА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҚУВАЙИБ, МАХСУЛОТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАНИШИГА ЭРИШИЛСИН. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ИНТЕНСИВЛАШ ЙўЛИ ДАВОМ ЭТТИРИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездида лойиҳасидан).

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАЛАРИ

Турсуной ҲОЛИҚОВА,
колхоз сўт-товар фермасининг соғувчиси



ЎН БИРИНЧИ беш йилликда мўлжалланган асосий йўналишлар лойиҳаси билан танишар экансан, қалбнинг миннатдорчилиги ҳис-туйғуларига тўлиб тошади. Чунки, бу тарихий ҳужжатнинг ҳар бир сатри жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг ҳалқ бахт-саодати, фаровонлиги тўғрисидаги ғамуворлиги билан сугорилган. КПСС Марказий Комитети лойиҳасида совет ҳалқи дастурхонига оқиб-оқибат маҳсулотларига таъин бўлиши соҳасида белгилаган тадбирлар аниқсиз улғувдордир.

Бу биз, чорводорлар олдида ҳам улкан ва масъулиятли вазифалар қўймоқда. Ўн беш йилликда гўшт, сут ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштириш қўлайлаштириш энг муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Фермада ходимлари яқинлашган беш йилда бу соҳада катта муваффақиятлар қилинган. Колхозимизда бу даврда даладига гўшт сотиш 20 тоннага, сут 110 тоннага кўпайди. Бунга асосан чорва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилган. 1975 йилда фермада ҳар бир сизгидан 3015 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 4 минг килограммга етказилди. Гўштга топшириладиган қорамоллар

Аммо соя ва рапс экинига эътибор берилмапти. Озуна етиштиришни қўлайлаштириш сугориладиган майдонлардан фойдаланиш даражасини ҳам ошириш лозим. Шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг ло-

Турсуной Ҳоликова — Ўрта Чирчиқ райониде сизирлар маҳсулдорлигини ошириш ташаббуси билан майдонга чиққан илгор соғувчилардан бири. Ўзининг беш йиллик ишларини қилишда ўзига бериқилинган гоммулларнинг ҳар бирини 5 минг килограммдан сут соғиб олишга эҳди қилган. Ташаббускор соғувчи вазифасига яраша ишлаяпти. Бугун — эрта у юксак социалистик мажбуриятни бажаришга ҳақда рапорт беради.

Беш йилликда фермадаги чорва моллари беш соя ҳам кўпайди. Ҳозир 530 бош қорамол, шу жумладан 185 бош сизгирин парвартиш қилинмоқда. Фермадаги барча ишлар тўла меҳанизацияланган. Бу чорвачиликнинг ҳам рентабелли соҳага айлантириш имконини бермоқда.

Чорвачилик еш-ҳашакдан бошланади. деганлари ҳақ гап. Колхозимизда бу соҳада катта тадбирлар амалга оширилляпти. Алмашлай экин тўла жорий этилганлиги туфайли бедазорлар кенгаймоқда. Шу йилнинг ўзиде 58 гектар майдонда янги белаловлар ташкил этилди. Уларнинг умумий майдон 238 гектарга етиди. Шунингдек 75 гектар майдонда дон ва силос учун мажмуурчи етиштирилмоқда.

Чорва қишлоқи даври учун 1200 тонна беда пичани гарамлаб қўйилган. 1660 тонна сенаж ва 2300 тонна силос бостирилган. 100 тонна ўт уни тайерланган. Бу топшириқда белгилангандан кўп. Еш-ҳашакдан тенжаб-тертаб фойдаланиш учун уларни молларга майдалаб берамиз.

Чорва молларимиз маҳсулдорлигини бундан бун ҳам ошириб бориш аниқда қўрсаткич ва энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамма гап эҳтиёт қисмларнинг қўйиллиги билан ишдан чиқадиган қисмлардир. Бу эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни яхшилашнинг янги йўлга қўйилганлигини қўрсатиб турляпти.

БАХТИЁР ҲАЁТ НАШИДАСИ

Раҳима АШИРБОВА,
колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари



ТОШКЕНТ—ТЭЙТЕПА йўлидан борар экансан, кўчада катта қўшқон, кенг дала ўртасида қад қўтарган кутубхона, маданий-маиший бинолар бинолари диққатини ўзинга тортмай қолмайди. Бу беш йил асосида қурилган колхозимизнинг маданий-маиший бинолари асос солинди. Район колхозларро меҳанизациялашган кўма колоннази қувчилари ҳозиргача посёлкада 20 та турар-жой биносини барпо этдилар. Дастлабки оналар бу уйларида ҳовли тўйлари ўтказишди.

Колхоз экомиканасининг тобора мустаҳкамлашиб бораётганлиги бўлинимас фондларга кўпроқ маблағ ажратиб имконини бермоқда. Хўжалигимизда тўққизинчи беш йилликда бу фондда 673 минг сўм ажратилган эди. Шу йилнинг ўзиде эса бўлинимас фондга 467 минг сўм ажратилиши мўлжалланмоқда. Ўзининг беш йиллик даврида бўлинимас фондга ажратилган маблағ 1.1 миллион 690 минг сўмни, олдинги беш йилликдаги

қараганда икки ярим ҳисса кўпни ташкил этади. Шунингдек, маданий-маиший фондларга ажратилган маблағ ҳам беш йиллик даврида 296 минг сўмга кўпайиб, 670 минг сўмни ташкил этди.

Колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари вазифаси белгиланганлиги гапига эҳди қил бўлди. Раҳима Аширбова ҳам бу вазифага икки ҳафта илгари сайланди. Ўзининг олдинда қишлоқ меҳнатчиларини турмуш маданиятини ошириш соҳасида катта вазифалар турляпти. Колхозни социал ривожлантириш бўйича кенг тадбирларнинг амалга оширилганлиги ободончилик ишларини қўлайлаштириш, янги ўрмонларни ҳаётга татбиқ этиш, қишлоқ турмуш маданиятини юксалтиришни тақозо этади.

Ўзининг беш йилликда хўжаликда маданий посёлка билан бир қаторда 320 ўринли янги мактаб қуриб битказилди. Қишлоқ йўлидан 16 километрга асфальт ётқизилди. Колхозчилар хонадорларини газлаштиришга киришилди. Ҳозиргача уч километр газ қувурлари ётқизилди. Колхозда бешта дала шийони, иккита мавсумий болалар боғчаси қуриб битказилди.

Ҳозир колхозда 7 та мактаб, 500 ўринли клуб бор. Ўнга яқин магазинлар, маиший хизмат қўрсатиш шохчалари қишлоқ меҳнатчилари хизматига.

«...Совет» кишиларнинг турмуш даражаси уларнинг ўз қўлларидир. Бугун биз кеча қандай меҳнат қилган бўлсак шундай яшаймиш». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзлари Охунбобов номи колхоз аъзолари учун ҳам тўла таълимийдир. Улар бугун кечати ҳисобларини самарасидан баҳраманд бўлаётдилар. Эртаги ҳаётлари янада бўла, турмушлари фаровон бўлиши учун эса кечатдан самарадор меҳнат қилиш зарур.

Бунинг қўқур ҳис этаётган хўжалик аъзолари КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини яқинлиқ билан мақбуллаб ва қизғин ишлаб-қўйишди. Ўн биринчи беш йилликда янги юксак марраларни эгаллашга қарор қилишляпти. Улар келгуси йилда пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш, пахта, қанов поёси, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кескин қўлайлаштириш режаларини белгилаб олмақдалар. Тараққиётнинг ёрқин уфқлари колхоз аъзоларини фидокорона меҳнатга чорляпти.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус музбири.



